



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 10 июнь

Каттақўрғон тумани

4-1402-2202/472-сонли иш

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Р.М.Бегимов раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сағдуллаевнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг [REDACTED] манфаатида жавобгар – [REDACTED] фермер хўжалигига нисбатан киритган даъво аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни, Каттақўрғон тумани, Омонбой МФЙ ҳудудида, очиқ сайёр суд мажлиси муҳокамасида, даъвогар [REDACTED] (ишончнома асосида) ва жавобгар [REDACTED] фермер хўжалиги раҳбари [REDACTED] иштирокида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] (кейинги ўринларда “Таъминотчи корхона”) ва [REDACTED] фермер хўжалиги (кейинги ўринларда “Истеъмолчи”) ўртасида 2022 йил 01 мартда 757643-сонли улгуржи истеъмолчилар учун электр таъминоти шартномаси тузилган.

“Истеъмолчи” томонидан етказиб берилган электр энергияси учун тўловлар тўлиқ амалга оширилмаганлиги натижасида 2022 йил 01 апрель ҳолатига 280 268 466,16 сўм қарздорлик вужудга келган.

Юзага келган ушбу қарздорликни (пеняси билан) мажбурий ундириш мақсадида даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси [REDACTED] манфаатида Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво талабида жавобгар [REDACTED] фермер хўжалиги ҳисобидан [REDACTED] фойдасига 188 075 942,49 сўм асосий қарз ва 97 192 523,67 сўм пеня ундиришни, ишни палата вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили [REDACTED] судга кўргазма бериб, даъвони қувватлаб, даъво аризадаги важдарни ҳамда олдинги суд муҳокамаларида билдирган кўргазмаларини такрорлаб, жавобгар даъво аризасида кўрсатилган қарз ва унга ҳисобланган пеняларни тўламаганлигини, 2022 йил 01 март ҳолатига жавобгарнинг қарзи 285 268 466,13 сўм бўлганлигини, бугунги кунда ҳам шу қарздорлик ўзгармаганлигини билдириб, ушбу тўғрисида судга маълумотнома тақдим этиб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили [REDACTED] судга кўргазма бериб, даъвони қисман тан олиб, ҳақиқатдан ҳам электр энергиясидан қарзи борлигини, лекин аниқ қанча сумма эканлигини билмаслигини, қарзни тўлаш учун пул маблағлари булмаганлиги, пули бўлгандан тўлаб беришни билдириб, даъво талабидаги пеняни камайтиришни сўради.

Суд тарафлар вакиллариининг кўргазмасини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Тарафлар ўртасида тузилган шартномага кўра, “Корхона” тармоқлари орқали электр энергиясини “Истеъмолчи”га етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилинган энергия ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини олган.

“Корхона” томонидан шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган ҳажмда “Истеъмолчи”га электр энергияси етказиб берилган. Бироқ, “Истеъмолчи” томонидан электр



энергиясининг ҳақи ўз вақтида тўлиқ тўлаб берилмаган. Натижада, даъвогар олдида 2022 йил 01 март ҳолатига электр энергияси истеъмолидан 183 075 942,49 сўм кредитор қарздорлиги вужудга келган.

Тарафлар томонидан 2022 йил 01 март куни икки томонлама солиштирма-далолатнома тузилиб, жавобгарнинг истеъмом қилинган электр энергияси ҳақидан 2022 йил 01 март ҳолатига 183 075 942,49 сўм, унга ҳисобланган пеня 97 192 523,67 сўм, олдиндан тўлови қарзи 450 000 сўм, жами 280 718 466,16 сўм қарздорлиги акс эттирилган. Жавобгар ушбу қарздорлигини тан олган.

Бирок, даъвогар даъво талабида 188 075 942,49 сўм асосий қарзни ундиришни сўраб, ҳақиқий қарздорликка нисбатан 5 000 000 сўм кўп сўраган.

Суд муҳокамасида даъвогар вакили томонидан судга такдим этилган 2022 йил 23 майдаги 324-сонли маълумотномасида маълумотнома тайёрланган кундаги қарздорлик акс эттирилмасдан, даъво талабига асос бўлган вақтдаги қарздорлик асослантирилмаган ҳолда баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 468-моддасида, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади деб белгиланган.

Бундай ҳолатда, суд даъвогарнинг даъво аризасидаги жавобгардан 188 075 942,49 сўм асосий қарзни ундириш талабининг 183 075 942,49 сўмини асосли ва ўз исботини топди деб, 5 000 000 сўмини асосиз деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, даъвогар даъво аризасида ўз вақтида тўланмаган электр энергияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 511-сонли қарорига асосланиб, 2022 йил 01 март ҳолатига 97 192 523,67 сўм пеня ҳисоблаган ва уни ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 260-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдир-да, кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланиши, 261-моддасида неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 511-сонли Қарорининг 2-илоvasи “Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 10 бандида, Истеъмолчилар истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлиқ ҳисоб-китобни ҳар ойда, электр таъминоти шартномасига мувофиқ, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки истеъмолчининг ўзи ёзадиган тўлов ҳужжатлари бўйича амалга оширадилар деб, 11-бандида, ҳисоб-китоб ойдан кейинги календарь ой тугагач қарз тўлов муддати ўтган ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, 1-иловага мувофиқ электр энергияси етказиб беришнинг махсус тартибига эга бўлган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади деб белгиланган.

Бундай ҳолатда, суд даъвогарнинг 97 192 523,67 сўм пеня ундириш талабини асосли деб ҳисоблайди.

Бирок, ФКнинг 326-моддасида, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинishi керак. Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга деб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-соли Қарорининг 2-бандида, Шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг



бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланади. Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт деб, 4-бандида, ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли. Шу билан бирга судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фойзалар миқдоридан кам бўлмаслиги лозим деб белгиланган.

Бундай ҳолатда, суд жавобгар тўлов тартибига амалга қилмаган ҳолда олдиндан тўловларни амалга оширмаган бўлса-да, даъвогар томонидан электр энергияси етказиб берилганлигини, юзага келган қарздорликни олдинроқ ундириш чорасини кўрмаганлигини, жавобгарнинг манфаатларини эътиборга олиб, даъво талабидаги 97 192 523,67 сўм пеняни 17 494 654 сўмгача камайтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига асосан, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади, учинчи қисмига асосан, даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади, олтинчи қисмига асосан, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд даъво аризасини қисман қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 183 075 942,49 сўм асосий қарз, 17 494 654 сўм пеня ва олдиндан тўлаб чиқилган 21 600 сўм почта харажати ундиришни, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни, ундирилиши лозим бўлган давлат божини тарафлардан асосли даъво талабига мутаносиб равишда ундиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар [REDACTED] фойдасига 183 075 942,49 сўм асосий қарз, 17 494 654 сўм пеня ҳамда олдиндан тўлаб чиқилган 21 600 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъво талабининг 5 000 000 сўм асосий қарз ва 79 697 869,67 сўм пеня ундириш қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар [REDACTED] фермер хўжалиги ҳисобидан Давлат бюджетига (Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси) 5 605 369,32 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвогар [REDACTED] ҳисобидан Давлат бюджетига (Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси) 100 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ойлик муддат ичида Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибда шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Судья

Р.М.Бегимов

